

## ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЙЕВА ШЕЪРИЯТИДА АНТИТЕЗАНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Эшниёзова Гулҳаё Ҳамроқул қизи

Навоий давлат педагогика институти докторанти

Email: [gulhayoeshniyozova@gmail.com](mailto:gulhayoeshniyozova@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Бу мақолада истедодли, маҳоратли шоира, гўзал дунёқараш ва ўткир англаш қобилиятига эга бўлган ижодкор Ҳалима Худойбердийева шеъриятида қўлланган антитезанинг таҳлили ва бу бирликларнинг бадий-эстетик вазифаларига кичик тажрибалар ёрдамида тўхтатилган ва илмий асосдаги хулосалар келтирилган.

**Калит сўзлар:** шеър, ижодиёт, линвопоетика, бадий тасвир, зид маъноли сўзлар антитеза бирликлар, мақол ва иборалар.

## APPLICATION OF ANTITHESIS IN THE POETRY OF HALIMA KHUDOYBERDIYEVA

### ABSTRACT

In this article, the analysis of the antithesis applied in the poetry of the talented, skilful poet, the creator Halima Khudoyberdiyeva, who has a beautiful outlook and a sharp understanding ability, and with the help of small experiments on the artistic and aesthetic functions of these units are suspended and conclusions on a scientific basis are presented.

**Keywords:** poetry, creativity, linvopoetics, artistic image, contrasting meaningful words antithesis units, proverbs and phrases.

## ПРИМЕНЕНИЕ АНТИТЕЗИСА В ПОЭЗИИ ХАЛИМЫ ХУДОЙБЕРДИЕВОЙ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье представлен лексический анализ духовных искусств, используемых в поэзии Халимы Худойбердиевой, искусной поэтессы, творца с прекрасным мировоззрением и острым умом, и научный эксперимент, основанный на небольших экспериментах над художественно-эстетическими функциями этих единиц.

**Ключевые слова:** поэзия, творчество, линвопоэтика, художественный образ, слова с противоположным значением антитеза единицы, пословицы и поговорки.

## КИРИШ

Тадқиқот манбаи бўлмиш Ҳалима Худойбердийева шеърляти ҳам ХХ аср ўзбек адабиётида ўзига хос ўринга эга эканлиги билан ажралиб туради. Жумладан, Ҳалима Худойбердийева шеърлари бошқа ижодкорларникига нисбатан ўзгача ўзига хос оҳангда ёрқин намоён бўлади.

Ушбу илмий мақолада шоира Ҳалима Худойбердийеванинг антитеза, яъни зид маъноли сўзлар ва синонимик имкониятдан, мақол ва иборалардан, бадиий такрордан фойдаланиш маҳоратини очиб беришга эътибор қаратилди.

## Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ҳалима Худойбердиеванинг барча шеърӣ тўпламлари, муаллифнинг шахсий архивидаги шоир ижодига доир манбалар, асосан, 2020-йил нашр этилган “Танланган асарлари” номли сайланмаси олинди. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, тарихий-қиёсий, контекстуал, комплекс ва функционал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

## Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

“Бадиий адабиёт тилидаги антитеза усули бир-бирига нисбатан қарама-қарши маъноларни берадиган сўзларни, ибораларни баёнда ёнма-ён қўллаш орқали образлиқни келтириб чиқаришга асослангандир” “Тилда зид маъноли сўзларнинг мавжудлиги бадиий нутқнинг ифодалилиги, экспрессивлиги, таъсирчанлигини, таъминлашда қулай воситалардан бири эканлигини кўриш мумкин. Шарқ адабиётида жуда қадим замон-замонлардан буён тилдаги бу ифода имкониятидан кенг фойдаланиб келинган бу тазод санъатидир. Бу санъат яна мутобақа, тибок, татбиқ, мутгазод, иттизод ва такофу деб ҳам аталади.

Европа филологик анъанасида бу санъат “антитеза” деб юритилади. Шоира Ҳалима Худойбердиева шеърларида антитезадан жуда унумли фойдаланган. Жумладан, у дўст-душман контекстуал антонимларини жуда кўп қўллаган. Шу билан бирга, шоира ўзбек тилининг синонимик имкониятлари кенглигидан фойдаланган ҳолда дўст-душман контекстуал антонимик жуфтлигининг синонимларини келтириб, уларни ҳам зидлаб қўллашга ҳаракат қилган.

Бадиий асар тилини ўрганишда ижодкорнинг ўзига хос бадиий воситалари аниқланади ва унинг бадиий маҳорати, ўзига хос услублари намоён бўлади. “Шунинг учун ҳам ҳар қандай бадиий асар тили илмий изланишлар жараёнида

тадқиқ этилаётганда ижодкорнинг қайси тасвирий воситалардан, хусусан, “халқ жонли тили бойликларидан қандай фойдаланиши” тадқиқотчининг диққат марказида бўлади.

Бу умр – ўтар кўчадир. Гофил **ётма, туриб ўт**,  
Ётганлар бор, ҳолин сўра, кулбасига кириб ўт.  
Бу кўча – байрам кўчадир, **дўст-душман** орасидан  
Зийнатланиб, зеболаниб қушдай енгил юриб ўт. <sup>(6)</sup>

“Оқ олмалар пишганда”

**Оқ** олмалар пишган кунлар, босди-ку **қора** ғамлар,  
“Жуфт шўхчан кўз”

Ойдин кеча. Юлдуз милдирар,  
Ойдин кеча. Чарақлар само,  
Жуфт шўхчан кўз мени **ўлдирар**,  
Яна ўзи **тирилтирар** аммо.

**Кўкда** юлдуз маъсум милдирар,

**Пастда** жуфт кўз мени ўлдирар...

Келтирилган мисолларда **ётма-тур, дўст-душман, оқ-қора, ўлдирар-тирилтирар, кўкда-пастда** сўзлари орқали антитеза ҳосил қилинган. Биринчи парчадаги дўст-душман антонимлари бир-бирига зид тушунчаларни ифодалаган. Зид маъноли сўзларни, жуфтликларни ёнма-ён қўллаш орқали умумийлик маъносига эга бўлган янги сўз ҳосил қилинаётганлигини кўриш мумкин. Бунда қуйидаги ҳолатларга эътибор қилиш мумкин: “Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати” да дўст-душман; ғаним, ағёр, доим ёмонлик қилишни истайдиган қарши иш қиладиган киши, доим яхшилик қилишни истайдиган киши, ёв, муҳолиф, бадхоҳ, дунёқараш, манфаатлари, хатти-ҳаракати бир-бирига қарши бўлган, ўзаро ғаним, рақиб сифатидаги томонларнинг ҳар бири. Мақол, дўст ачитиб гапиради, душман – кулдириб. Тикан заҳри учиди, душман заҳри ичиди. Душманнинг катта-кичиги бўлмайди. Юқорида келтирилган мақоллардаги антонимлари ҳам анъанавийликни давом эттиргани ҳолда ўзига хослиги билан билан ажралиб туради. **Ғаним, ағёр, душман** синонимик қатори билан **дўстни** синонимик қатори антоними сифатида танланган.

Демасмен, дунёда **ортиқ** бор, **кам** бор,  
Яшашимга арзир ёруғ бир шам бор.  
Сўнги кунимгача **шоҳ** ё **гадо** бўлиб,

<sup>6</sup> Худойбердиева Х Танланган асарлар -Т.: “Шарқ”, 2020.-9 б.

Эшигимга келар битта одам бор.<sup>7</sup>

\*\*\*\*

Менинг бору йўғим умидга ўтган,  
Фарқлай олмай гоҳо ёлғон, чинни мен,  
Ҳар битта кесакдан  
Гавҳарлик кутган,  
Жавоҳирлик кутган жинниман.

Шоиранинг бу тўртликларида ҳам **ортиқ-кам, шоҳ-гадо, бор-юк, ёлғон-чин**, каби зид маъноли сўзлардан моҳирона фойдаланилган. “Табиат ва жамиятдаги кўплаб нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти, инсонларнинг характери уларни бир-бирига қиёслаш, таққослаш, чоғиштириш асосида ойдинлашади. Бадиий адабиёт тилидаги антитеза усули ҳам бир-бирига нисбатан қарама-қарши маъноларни берадиган сўзларни, ибораларни баёнда ёнма-ён қўллаш орқали образлиликни келтириб чиқаришга асослангандир. “Баённинг бундай воситаси ёқимлидир,- дейди Аристотель “Риторика” асарида,- чунки қарама-қаршилик англаш учун қулайдир, агар улар ёнма-ён турса яна ҳам тушунарлидир, яна шунинг учун қулайки, бу восита исбот қилиш зиддиятларни қиёслаш бўлганидан силлогизмга яқинлашади”.<sup>8</sup> Мисоллар орқали шоира Ҳалима Худойбердиева шеърларида моҳирона фойдаланганини кўриш мумкин.

“Қаттиқ нон”

Агар қаттиқ нонни **ивитмоқ** бўлсак,  
Орзу **ивитолмас**. Ивитар кўзёш.  
Шундаям кўзёшлар тинмай қуюлса,  
**Юмшаб**, эриб оқса кўкракдаги тош.

Ҳалима Худойбердиева ижодини кузатар эканмиз, тазод санъатининг гўзал, бетакрор наъмуналарини кўриш мумкин. Дастлаб шоира ҳақида билдирилган аҳамиятли фикрларга қаратсак. “Ҳалимани ҳаваскор шоира деб айтганимизни эслолмайман”<sup>9</sup>, - дейди Ўзбекистон халқ шоираси, Халқаро мукофотлар соҳибаси Зулфия Исроилова унинг “Оқ олмалар” китобига ёзган муқаддимасида. “Ўзбек шоиралари” китобини нашр эттириб эндигина шоиралик поғонасига қадам қўйаётган ёш ижодкорларни қувонтириб юборган ва уларга яна бир кенг имкониятни яратиб берган Тўхтасин Жалолов Ҳалима Худойбердиеванинг шеърлари хусусида ““Туйғулар туғени” сарлавҳали мақоласида Ҳалима ўзбек аёл шеърлятида кутилмаган ҳодиса, унғача бу санъат кошонасида қандайдир

<sup>7</sup> Худойбердиева Ҳ Танланган асарлар -Т.: “Шарк”, 2020.-532 б.

<sup>8</sup> Каримов С Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. Фанлари д-ри... дис.-Самарқанд, 1993.-Б. 45-бет.

<sup>9</sup> Зулфия Исроилова “Оқ олмалар”

сукунат, осудалик ҳукм суриб, кишини мудроқ босади. Ҳалима бу даргоҳга бўрон бўлиб, сурон бўлиб кириб келди-да, тўлиб, тошиб баланд пардаларда қўшиқ бошлади”<sup>10</sup> дейди фахрланиб.

Шоира шеърларида бадий санъатнинг тазод тури кўп учрайди, яъни шоира бир-бирига қарама-қарши бўлган антоним сўзлардан фойдаланиб ўз шеърларига янада жозиба таъсирчанлик бахш эта олган. Ҳалима Худойбердиева “Наврўз” номли шеърида ҳам тазод санъатидан унумли фойдаланган.

Мен бу кун таъзимдадурман **ер-у осмон** олдида,

Ҳам унда ҳокими мулоқ ҳазрат инсон олдида.

Шоира бу шеърида Аллоҳ яратиклари ер-у осмон, ундаги жамики мавжудот ва махлуқот ва бу нарсаларнинг эгаси инсон олдида таъзимда эканлиги таъкидланган. Ушбу жумлада ер ва осмон тазод санъатининг ёрқин намунаси ҳисобланади.

Фасли баҳор, васли ёра ёлчимаганлар ҳақи,

Мен бу кун созимни созлай **орзу-армон** олдида.

Бу байтда орзу ва армон сўзлари орқали зидлик намаён бўлмоқда.

“Отам ҳақида” деб номланган ушбу шеърда шоира фаслларни қарама-қарши маънода қўллайди.

**Қишининг** изғирини, бўрони тинди,

Кезаман **баҳорга** шукрона айтиб.

Кетган юлларида майса, гул унди,

Отам кетган кўйи келмайди қайтиб.

Қишда совуқ изғирин тинганлиги гўзал баҳор ҳам кириб келганлиги, аммо марҳум отасининг қайтиб келмаётганлигидан шоира изтиробда ўз изтиробларини, дардларини қоғозга тўкмоқда.<sup>11</sup>

Балки **хурсанд**, балки қилдим **жигархун**,

Юриб кўзларидан **яқин йирокда**.

Қайдан билибман мен мустаҳкам устун

Қулаб қолдиришин ногаҳон доғда.

Шоиранинг бу тўртлигида қўш тазод, яъни ўзбек тилшунослиги нўқтаи назаридан қарайдиган бўлсак антитезалар учрамоқда. **Хурсанд-жигархун, яқин йирокда.** Фарзанд ўз отасини рози қилолдим юқми, ота унинг ишларидан хурсандмиди, хафамиди ногаҳон ўлим уни доғда қолдирди.<sup>12</sup>

<sup>10</sup> Тўхтасин Жалолов “Туйғулар”

<sup>11</sup> XX аср ва замонавий адабиёти таҳлил ва талқин масалалари Республика конференция // 2022 йил 19 май 42 бет

<sup>12</sup> XX аср ва замонавий адабиёти таҳлил ва талқин масалалари Республика конференция // 2022 йил 19 май 44 бет

## ХУЛОСА

Ҳалима Худойбердиева эстетикасида ўзини таниш, ўзликни билиш – бу кўнгилга қайтишгина эмас. Яна, жамият сир-синаотларини, халқнинг дарди-аламларини чуқур туйиш ва тушунтириш ҳам демакдир. Янаям аниқроқ айтганда, бу – қайноқ воқеликка сингиб кетиш, халқ кўнглига қайтиш, миллат идеалини билиш демакдир. Шоиранинг таъкидлашига кўра, санъатнинг бош вазифаси – бу инсонни ҳимоя қилиш, инсонни улуғлаш, одамийликни, юксак маънавий-ахлоқий хислат-фазилатларни ардоқлаш, камол топтириш ва шу тариқа Аллоҳ жамолига восил бўлмоқдир. Ҳалима Худойбердиева ана шундай санъат намуналарини ярата олган санъаткор сифатида ўзбек адабиётидан жой олган шоирадир. Бетақрор шоира шеърларида эса ўзбек тилшунослигининг ҳодисаларидан моҳирона ўзи билмаган ҳолда фойдаланганлигини кўриш мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Худойбердиева Ҳ Танланган асарлар -Т.: “Шарк”, 2020.-560 б.
- 2.Каримов С Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. Фанлари д-ри... дис.- Самарқанд, 1993.-Б. 72-бет.
- 3.Зулфия Исроилова “Оқ олмалар”
- 4.Тўхтасин Жалолов “Туйғулар”
- 5.ХХ аср ва замонавий адабиёти таҳлил ва талқин масалалари Республика конференция // 2022 йил 19 май 196 бет.